
Қоровултепадаги муаммо сектор раҳбарининг аралашуви билан ижобий ҳал этилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 435-сонли қарорига асосан, "Қоровултепа" маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур маблағ ажратилиб, ҳудуддаги ички йўлларнинг 3 километрлик қисми асфальтланди. Аҳолини сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида эса 2 та янги трансформатор ўрнатилиб, 1 километрдан ортиқ масофада янги тармоқ тортилди.

Шунингдек, ушбу қарорда, мавжуд ичимлик сув қудуғига минора, трансформатор пункти ўрнатиш ҳамда 500 метр узунликда янги тармоқ тортиш белгиланган эди.

Ўтган вақт давомида режадаги ишлар тўлиқ бажарилди, аммо электр таъминоти билан боғлиқ муаммо сабабли аҳолига ичимлик сув етказиб берилиши пайсалга солиниб келаётган эди.

- 1-сектор раҳбари - туманимиз ҳоқими Юсуфжон Хусаинов бундан хабар топгач, кеча тегишли масъуллар билан келиб, муаммога ижобий ечим топишга эришди, - дейди МФЙ раиси Маҳмудхон Азамов. - Натижада, 200 та хонадонга илк марта обиҳаёт кириб борди. Фуқароларимиз бундан жуда миннатдор бўлишмоқда.

Маҳаллий аҳоли вакиллари билан бири Муяссархон опа Абдуллаеванинг айтишича, хонадонига ичимлик сув тармоғининг тортилиши унинг учун 30 йиллик орзу бўлган. Бунгача бир чақирим масофадан челақлаб сув ташиган Муяссархон опа қийинчиликлар ортда қолганидан хурсанд.

Маҳаллада аҳоли томорқаларини суғоришда ҳам айрим муаммолар мавжуд. Раиснинг айтишича, сектор раҳбарининг ёрдами билан, тез орада бу масала ҳам ижобий ҳал этилади.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2023-07-06 18:26:59